ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 5 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00994

ХОНОҚОҲЛАР ТАРИХИ ВА ТАСНИФИ

Наргиза Рустамовна Юсупова
Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети

АННОТАЦИЯ

Мақолада Марказаий Осиё меъморчилик намуналаридан бири бўлмиш хонақоҳ хақида маълумот берилган. Хонақоҳлар – махсус қурилган меъморий мажмуа сифатида қаралсада, лекин биз буни ниҳоясига етган хулоса деб айтолмаймиз. Хонакохлар илк бор V ва VIII асрлар орасида Марказий Осиё меъморчилиги ривожаниши ва мукаммаллашиши натижасида вужудга келган. Ушбу меъморий мажмуа хақида биз кўпгина маълумотларни Алишер Навоий, Хондамир, Зайниддин Восифий, асарларидан оламиз. Ушбу муаллиф фикрларини ўқиб шундай хулосага келиш мумкинки, хонақохлар маънавият тарқатувчи ижтимоий институт, маърифий муассаса, исломий мазхаблар тахлили, диний талқинлар муҳокамаси учун махсус қурилган демократик бахслар маскани, тасаввуф ақидаси тарафдорлари учун муҳим ижод этиш мумкин бўлган бошпана, кутубхоналар сифатида хам хизмат қилган.

Калит сўзлар: мустақиллик, Хонақоҳ, мадраса, илмий, тарихий, манба, уламо, қабристон, меъморий мажмуа, маърифат, таълим, тарбия, муассаса, халқ, журнал,адабиёт, карвонсарой, шаҳар, масжид, архитектура.

DEFINITION AND CLASSIFICATION OF ARCHITECTURAL CONSTRUCTION-HONAKOH

ABSTRACT

The article describes one of the types of architectural construction in Central Asia – honakoh. Although honakoh is considered as one of the types of architectural complex, this is not the final conclusion. Initially, honakoh was built as an improved architectural version in Central Asia. We can find information about this in the works of such scientists as Alisher Navoi, Khondamir, Zainiddin Vosifi. After reading the works of these scientists, one can come to the conclusion that honakoh is a place that has spread enlightenment and spirituality in the form of a social institution. Honakoh served as a special building for discussions of religious and secular issues, as a library, as a place for studying the science of Islam for Sufis.

Keywords: independence, Khanaka, madrasah, scientific, historical, source, scientist, cemetery, architectural complex, enlightenment, education, upbringing, institution, people, magazine, literature, caravanserai, city, mosque, architecture.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00994

КИРИШ

Мустақиликка эришганимиздан сўнг бугунги кунга келиб миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз анъаналаримиз тикланиши билан биргаликда тарихий обидаларимиз иншоотларимиз, меъморий мажмуаларимиз ҳам маънан ўзининг асл холатига қайтмоқда. Шу билан бирга моддий маданиятимиз намуналари бўлмиш бу иншоотларнинг тарихий аҳамияти ва фалсафий мохияти ҳам баробар равишда очилиб боряпти. Бу борада қилинаётган ишларни айниқса масжидлар, мадрасалар тикланиши орқали кўришимиз мумкин. Бу албатта яхши, аммо маърифий тараққиётимиз силсиласининг муҳим бўғини бўлиб келган хонақоҳлар хусусида жуда кам гапирилмоқда. Газета – журналларга назар ташласангиз хонақоҳлар ҳақида маълумотлар учратиш қийин. Айни чоғда масжид, рабоит мадрасалар ҳақида маълум даражада маълумотлар олиш мумкин. Аммо мадраса таълимининг узвий жихати сифатиданамоён булувчи хонокоҳлар борасида эса ҳалқимиз етарли маълумотларга эга эмас. Шунинг учун ҳам Хонақоҳ атамаси тарихий, илмий – фалсафий, диний адабиётларда учраб турсада, аммо кўпчилик учун унинг мазмуни аниқ равшан бўлмаган тушунча сифатида маълумдир. Шунингдек манбаларда хонокохлар хусусида бир –бирига зид маълумотлар мавжуд.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Юқоридаги адабиётларга мурожаат қилсангиз бу атама тўғрисида илк маълумотлар сомонийлар, Газнавийлар даври маданий ҳаётига доир асарларда, шунингдек, Шарафиддин Али Яздий, Зайниддин Восифий, Захриддин Муҳаммад Бобур, Алишер Навоий, Хондамир ёзган асарларда учратиш мумкин. Жумладан, Шарафиддин Али Яздийнинг «Фарнома», Зайниддин Восифийнинг «Бадоеъул - вакое», Захириддин Мухаммад Бобурнинг «Бобурнома», Алишер Навоийнинг «Вақфия», «Мажолисун - нафоис», Хондамирнинг «Макоримул - ахлоқ» асарларида хонокоҳ атамаси ишлатилади[1].

Шу билан биргаликда Хонақоҳнинг фалсафий ва меъморий мохияти ҳақида замонамизнинг етук олимлари Г.А.Пугаченкова, Л.И.Ремпель, В.А.Булатова, И.И.Ноткин, Н.Ш.Зохидов, Н.И.Лукинская, К.С.Крюков , Нажмиддин Комилов, Рахматуллох Қори Обидов ҳам ўз асарларида, изланишларида фикр ва мулохазаларини билдириб ўтишган.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00994

Аввало, хонақоҳ ўзи нима дейилганда, унинг маҳсус қурилган меъморий мажмуа эканлиги аниқлаб олмоғимиз зарур. Лекин биз бунинг ниҳоясига етган хулоса деб ҳам айтолмаймиз.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Хонақоҳлар илк бор V ва VIII асрлар орасида Марказий Осиё меъморчилиги ривожаниши ва мукаммаллашиши натижасида вужудга келган. Аниқроқ айтилса, бунга шаҳарлардаги ҳаёт талабларининг ўзгариши ва энг муҳими исломий таълим тарбияга бўлган ижтимоий мафкуравий эҳтиёж кўламларининг кенгайиши натижасида янги типдаги меъморчилик иншоотлари –работлар, карвон-саройлар, масжидлар, мадрасалар ва хонақоҳлар кириб келиши сабаб бўлди[2]. Айнан диний мафкуравий эҳтиёж исломгача бўлган буддавийлик ҳамда зардуштийлик дини иншоотлари асосида янги моҳиятга эга бўлган бинолар қурилишини авж олидирди. Бунга мисол қилиб Бухородаги зардуштийлик ибодатхона ўрнидаги масжид ва Термиз шаҳрида қатор саройлар қурилиши орқали кўришимиз мумкин. Эски усулдаги меъморчилик қурилишининг янги усул билан қўшилиши натижасида хонақоҳ масжид, мадрасаларнинг кўпайишига, хоуз, сардоба, тин, кўприкларининг мукаммаллашишига олиб келди[3].

Таниқли санъатшунос олим Г.А.Пугаченкова ва Л.И.Ремпель ўзларининг «История искусств Узбекистана» асарларида сарой, карвон – сарой, масжит, минора ва Хонақоҳларнинг техник – иқтисодий шароитлари бир –бирига ўхшаш даражада қад кўтарганликларини ва меъморлар дунёқараши қурилаётган меъморий обидаларда жуда аҳамиятли фарқ кўрмаганлигини баён этадилар[4].

Бизнингча авторлар бу маълумотда ўз фикрларини тўлиқ ифодалаб беришдан бироз четга чиқиб кетишган. Олимлар юқоридаги фикр орқали Марказий Осиё меъморий обидаларининг ташқи кўриниши бир қарашда бир-биридан катта фарқ қилмаслигини, уларнинг лойиҳалари, гумбаз шаклидаликлари бироз ўхшашлигини исботлашга уринишган деб ҳисоблаш мумкин. Аммо, бинолар бир қарашда бир-бирига ўхшаш бўлган бўлсада уларнинг амалий аҳамияти ва хизматида фарқлар катта бўлган. Буни меъморлар ҳам яхши билишган. Шунинг учун ҳам хонокохлар маърифий -ижтимоий мафкуравий институтлар сифатида бунёд этиб келинган.

Ислом динининг гуллаб-яшнаши, пиру- мушридлар кетидан эргашувчи муридларнинг кўпайиши хонақоҳларнинг фалсафий мазмунини ҳам

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00994

чуқурлаштириб борган. Хонақоҳнинг фалсафий моҳияти ва ўрни ҳақида биз мақоланинг сўнгги қисмида кенгроқ тўхталиб ўтамиз.Ҳозир эса IX асрдан бошлаб темурийлар давригачан мавжуд бўлган хонақоҳларнинг айримларини санаб ўтамиз.

Хўжа Зайниддин масжид хонақоҳи – ўзининг композицияси ва лойиҳаланиши жиҳатидан гўзар масжидлар турига қўшилади, аммо яшайдиган хоналари бўлганлиги учун хонақоҳлар қаторига киради. Шариат бўйича масжидга кўмиш рухсат этилмасада, Хўжа Зайниддиннинг қабри хонақоҳнинг жанубий томонидаги роваклардан бирига қўйилган[5].

Хўжа Зайниддин масжид хонақоҳи жамоат ва диний бинолар архетектурасини ўзига хос мужассамлаштирган иншоотдир. Хивада эса Пахлавон Маҳмуд мақбараси мавжуд. Мақбара ёнида зиёратхона, масжид, хонақоҳ, қорихона, ошхона ва бир қанча бинолар бор. Тарихий маълумотларга кўра бу ерда пўстиндўзлик устахонаси бўлган. Бунда Паҳлавон Маҳмуднинг ўзи ишлаган, кейинчалик бу устахона қайта қурилиб мақбарага айлантирилган[6]. Мақбара ва хонақоҳнинг баъзи эшикларида битилган саналар ҳозиргача сақланиб қолган. Гумбазли йўлакдан хонақоҳга ўтаверишдаги эшикнинг мисс ҳалқасидаги хатда 1353 йил 6 апрель санаси бўлиши мақбаранинг қадимийлигини кўрсатади[7].

Шунингдек, бу даврда Шайх Хованди Тоҳур ва Шайх Зайниддин бобо хонақоҳлари[8], Ҳазрати Ҳизр масжидининг хонақоҳлари мавжуд бўлган. Айрим манъбаларда айтилишича, Самарқанддаги биринчи масжид Афросиёб иншоотлари пойдевори асосида солинган[9].

Эътибор берган бўлсангиз хонақоҳлар аввал маълум бир бинонинг яъни масжиднинг, мадрасанинг бир бўлаги ёки бир қисми сифатида мавжуд бўлган бўлса, кейинчалик эса улар алоҳида бино сифатида бўён этилгандир. XIV-XV асрларга келиб хонақоҳлар қурилиши умуман ўзгариб кетади. Улар эндиликда якка ҳолатдаги бино сифатида бунёд этилмай, балки масжидлар билан биргаликда «қўш - эгизлик» усулида қурилади. Ўз навбатида хонақоҳларнинг фалсафий моҳияти ва вазифалари ҳам мукаммаллашади. Бу ҳақидаги маълумотлар билан журналхон мақоланинг давомида танишиши мумкин. Бунда айниқса Амир Темур ва темурийлар даври, шунингдек Алишер Навоий даври маънавият ва маданияти бизларга тадқиқот манбаи бўлиб хизмат қилади.

Маълум ва машхур «Темур тузуклари»да баён қилинишича Амир Темур ҳар бир шаҳарда масжидлар, мадрасалар қуришни, йўловчи мусофирлар учун

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00994

йўл устига работлар бино қилишни, дарёлар устига кўприклар билан бир ва вақтда хонақоҳлар қуришни ҳам буюради.

Амир Темурнинг Самарқандда бунёд эттирган обидаларидан бири – Гўри Амир мақбарасидир. Дастлаб бу ерда Темурнинг набираси Мухаммад Султон номидан мадраса ва хонақоҳ қурилди. Мадраса аслзода хонадонларнинг фарзандларига дунёвий илмлардан таълим беришга мослашган бўлса, хонақоҳ эса донгдор зиёратчиларни қабул қилишга мўлжалланган. [10] Шу худудда жойлашган Шоҳизинда мажмуасида эса Амир Темурнинг рафиқаси Туман оғонинг ҳам қурдирган иншоати мавжуд. Бу иншоат мулозимхона, масжид, хонақоҳ ва Туман оғо мақбарасидан иборат.

Испания элчиси Клавихо қолдирган маълумотларга кўра Темурнинг катта хотини Бибихоним ҳам Самарқанддаги Темурнинг жомеъ масжиди қаршисида мадраса ва хонақоҳ биноларини бунёд эттиради. 1408 йили Бибихоним ҳаётдан кœз юмгандан сўнг, ўзининг мадрасаси ёнидаги хонақоҳга мўмиёланиб дафн этилади. Сароймулкхоним дафн этилган бино унинг ўзи қурдирган хонақоҳ бўлиб, айнан шу ер танланганлигига сабаб эса хонақоҳнинг Бибихоним мадрасаси ёнида жойлашганлигидан дейиш мумкин. Демак, Сароймулкхоним хонақоҳи унинг ўлимидан кейин мақбарага айлантирилган ва кейинчалик «Бибихоним мақбараси» деб номланган[11].

Шунингдек, Амир Темур фармойишига кўра қурилган Хўжа Ахмад Яссавий ва Зангиота мақбараларида ҳам хонақоҳ мавжуд бўлган. Демак, хонақоҳ нафақат алоҳида иншоат бўлибгина қлмай, балки бирор бир йирик диний-маърифий мажмуанинг бир қисми бўлган, дейиш мумкин.

Хўжа Ахмад Яссавий мақбараси ўз даврида улкан хонақоҳ, масжид-мадраса вазифасини ҳам бажарган. Ўша даврда у ерда катта кутобхона бўлган. Табризлик уста Абдулазиз ибн Сарвариддин ишлаган «Қирқ қулоқли қозон» эса хонақоҳнинг энг катта зали – қозонликқа ўрнатилиб, унинг ўнг ва чап томонидан бошқа бўлмалар жойлашган.

Амир Темурнинг кичик ўғли Шохрух Мирзо хам бир қатор қурилишлар қилиб, Ҳиротда Шохрухия мадрасаси ва хонақосини бунёд эттиради. Шохрухнинг бундай «Қўш - эгизлик» услубида иншоат бунёд этиши мадраса ва хонақохлар ҳамиша «эгизак» бино сифатида баробар ва бирга қурилган, деган хулосани хам бериши мумкин.

Абдураззок Самаркандийнинг гувоҳлик беришича Шоҳрух Мирзо хонақоҳнинг шайхлик лавозимига Хўжа Алоуддин Али Чиштийни тайинлайди.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00994

Кейинчалик Абдураззок Самаркандийнинг ўзи ҳам Шохрухия хонақосида шайхлик қилади ва шу ерда ўзининг «Матлаи саъдайн ва мажмаи бахрайн» асарини ёзиб тугатади[12]. Умуман олганда, Шохрух отаси Амир Темурнинг йўлини тутиб Ҳиротда кўплаб мадраса, масжид, мақбара, карвонсарой, хаммом ва шифохоналар бунёд эттириш қаторида хонақоҳлар қурилишига хам алохида эътибор қаратади.

Амир Темурнинг набираси Улуғбек хам отаси ва бобосининг изидан кетиб илму-маърифатни ривожлантириш учун мадраса ва хонақоҳ қурилишга катта аҳамият беради. У 15 йил аввал қурилган Темурнинг жомеъ масжиди ва Бибихоним мадрасаси қурилишидаги «эгизаклик» услубини танлади. Улуғбек мадрасасининг бошқа мадрасалардан фарқи шунда эдики, у Самарқанд мадрасаси қошида ўзга шаҳарлардан келган машҳур фозилу-уламо ва илмталаб ёшлар учун алоҳида хонақоҳ ҳам қурдиртиради. Мадраса ва хонақоҳ учун жойни Улуғбекнинг ўзи танлаб, «Сардувоник» мавзесида (Регистон майдони) тўхтайди. Машхур адиб Зайниддин Васифийнинг хабар беришича, Улуғбек мадрасаси ва хонақоҳига ўн нафар мударрис тайин қилинган экан[13].

Марказий Осиёда темурийлар билан бир қаторда ўз даврининг етук фозилу-уламолари, бадавлат хокимлару мирзолари хам ўз юртларини хар томонлама ривожлантириш учун ҳиссаларини қўшишга харакат қилганлар.

Бу ҳақида биз мавлоно Шарафиддин Али Яздий, Лутфий, Абдурахмон Жомий, тарихчилар Мирхонд, Хондамир, Алишер Навоий асарларидан ҳам билишимиз мумкин. Бу улуғ зотлар илму-маърифатни нафақат ўз асарлари билан, балки ўзларининг хулқ-атворлари, қилган амаллари билан хам бойитиб борганлар. Масалан, Алишер Навоий фуқаро ва дарвешларнинг фаровонлиги, ғариб хамда мусофирларнинг фароғати учун кўплаб жамоа бинолари, ва иншоатлари: ҳонақох, масжид, мадраса, карвонсарой, хаммом, работ, ховуз ва кўприклар қурдирган. Тарихчи Хондамир Навоий қурган баъзи иморатларни санаб ўтади: 52 работ, 18 масжид, 3 мадраса ва хонақох, 16 кўприк, 19 ховуз, 9 хаммом ва бошққа бир қанча иншоатлар[14].

Навоий Инжил канали бўйида хашаматли «Ихлосия» мадрасаси ва унинг қаршисида ғоят гўзал ва кўркам «Холосия» хонақоҳини солдиради. Навоий ўзининг «Вақфия» асарида бу хақида шундай ёзади: «“Ихлосия” мадрасаси муқобиласидаким, мазкур бўлғой шориъянинг жанубий хадди бўлғай – хонақохо бино қилинди»[15].

Хондамирнинг гувохлик беришича, «“Холосия” хонақохи “Ихлосия” мадрасаси қаршисида. У файзли жойда хар куни мингдан ортиқ заифалар ва

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00994

мискинларни зиёфат қилиб, лазиз таомлар билан тўйдирилади. хар йили мухтожларга икки мингга яқин пўстин, босма чакмон, кўйлак, иштон, тақия ва кафш улашилади»[16].

Тарихчи фақатгина «Ихлосия» мадрасаси ва «Холосия» хонақохи даргохида 20 йил давомида минглаб талабалар илмдан баҳраманд бўлганликларини ўз асарида баён этган. Навоий ўзининг «Вақфия» асарида мадраса ва қонақохга бош қилиб «икки олиму покиза мударрислар»ни тайин этганлигини ёзади. Шунингдек, ўзининг «Ихлосия» мадрасасида дарс олиб борилиш тартибини кўрсатиб, «хар халқаи дарсда ўн бир толиби илмки, бориси йигирма икки бўлғай», деб гурухдаги талабалар сонини аниқлаб белгилайди.

Алишер Навоий халқпарвар ва ибратли кишиларнинг қабрлари устида хам ёдгорликлар, сағаналар, хонақохлар қурдирган.

Масалан, «Жамоатхона» хонақоҳи – Ҳирот хиёбонида бўлган Мавлоно Шамсиддин Мухаммад Табодқоний сармозорида жойлашган. хонақоҳи Зиёратгох – бу ерда эса хазрат фақир ва мискинларга овқат берганлар[17].

«Шайх Фаридиддин Аттор сармозоридаги ҳонақоҳ – хушманзара жойдир. Ул хазрат (Алишер Навоий – Н.Ю.) 902 йили Нишопур шахрини муборак шуъласи билан нурлантирган эди. Бир куни у ердаги машойиқлар қабрини зиёрат қилишга борди. У қабрларни кўпчилиги бузулишга яқинлашганини кўриб тузатишга буюрди. Шунга мувофиқ, хозир одат бўлган услубда қабрларни тикладилар».

Алишер Навоий ўз асарларида хам хонақох хақида маълумот берган. Хусусан, юқорида таъкидлаб ўтганимиз «Вақфия», «Саид Хасан Ардашер ҳаёти», «Мажолисун-нафоис» асарларида, Хондамирнинг «Макоримул-ахлоқ» асарида баён этилишича ўз даврининг уламою-фузалоларида шахсий қонақох мавжуд бўлган. Бу маълумотларни олим А.А.Хисматулин хам ўзининг «Суфизм. Этапы развития суфизма » асарида таъкидлаб ўтади. Олимнинг фикрига кўра айрим хонокохлар оилавий бўлиб уларнинг бошқаруви наслдан наслга ўтиб келган. Кейинчалик мусулмон оламининг кўпгина худуларида хонокохларни хокимият эгалари хар томонлама яъни хам иқтисодий, хам ижтимоий, хам сиёсий жихатдан қўллаб қувватлашган[18].

«Мажолисун-нафоис» асарида баён этилишича Мавлоно Шарафиддин Али Яздийнинг, Шайх Луқмоннинг, Хожа Фазлуллоҳ Абуллайсийнинг, Мавлоно Жалолиддиннинг, Хожа Махмуднинг ўз хонақохлари мавжуд бўлганлигини билишимиз мумкин. Шунингдек, ушбу асар мавлоно Мухаммад Табодқоний оламдан ўтганидан сўнг дафн этилган жойларига ҳонақоҳ

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00994

қурилганини ва хозирда ушбу хонақохда мавлононинг ўғли Мавлоно Хамидиддин дарвешлар ва бошқа сўфийлар билан бирга ибодат қилишларини баён қилади. XIII асрда яшаб ижод этган Шайх Сайфиддин Бохарзийнинг хам ўз хонокохи мавжуд бўлган. Тарихий маълумотларга кўра Олтин Ўрда хони Берке хон Шайх билан учрашиш ниятида 3 кун хазратнинг хонокохи эшигини тагида туриб чиққан экан[19].

Мавлоно Низом хонақоҳи Моликда, Мавлоно Фориғий ҳонақоҳи Жадидийда бўлиб туришган. Мир Хусайн ва Мавлоно Мўъминий «Холосия» хонақоҳида тахсил олишган. Ҳофиз Жалолиддин Махмуд «Холосия» хонақохининг шайхи бўлган. Навоий ўзининг асарида Машхаддаги хонақохларнинг бирида касал бўлиб ётган чоғида ўзи билмаган холатда Шайх Камол Турбатий суҳбатларига аралашиб, ул зот билан танишиб қолганлигини баён этиб, хамиша Шайх Камол Турбатий билан танишишни орзу қилиб юрганини эслаб ўтади. Шунингдек, Навоий ўз асарида ҳонақоҳ деворларида ғазал, байт ва шеърлар ёзиб қолдирилганлигини хам маълум қилади.

Шуни айтиш мумкинки, Алишер Навоий асарларида хонақох атамаси тез-тез учраб турсада, улар хар жойда турли хил маъноларда келади. Айрим жойларда хонақох атамаси фақат гумбазли катта бино, хона; масжиднинг кенг ва катта хонаси; ёки ибодат учун хужралар сифатида хам бир ёқлама тушуниб келинган.

Шунингдек, хонақохни зиёратчилар учун қурилган жамоатхоналар ёки шайхлар, дарвешлар, зикру-самоъ қиладиган катта жой, мачит хам деб талқин этилиши мазкур муҳим ижтимоий институт мохиятини чеклаб қўяди. Шуниси маълумки, хонақохлар якка холатда бунёд этилмаганлар. Улар хамиша бирон бир бино билан биргаликда, «эгизак» равишда бунёд этилганлар. Буни биз Мухаммад Султон номидан қурилган хонақох ва мадраса, Бибихоним мадрасаси ва аввал бошда хонақоҳ бўлган Бибихоним мақбараси, Шохрух бунёд эттирган «Шохрухия» мадрасаси ва хонақохи, Улуғбекнинг масжид-мадраса ва хонақохи, Хожа Ахмад Яссавий ва Зангиота мақбаралари ва нихоят Ҳазрат Алишер Навоий бунёд эттирган «Ихлосия» ва «Холосия» хонақоҳи мисолида кўришимиз мумкин.

Ўзининг «Вақфия» асарида Навоий бу меъморий анжуманга «Неъматобод» деб ном беради. Дархақиқат, Алишер Навоийнинг бу иншоатлари нафақат таълим-тарбия, илм-маърифат ва сихат-саломатлик маскани, балки бева бечораларга озиқ-овқат ва турли хил тирикчилик воситалари улашиб турувчи табаррук мавзе хам ҳисобланган. Замонамизнинг

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00994

етук олими филология фанлари доктори, профессор Нажмиддин Комилов: «Хонақох муаян тасаввуф тариқати пешвоси - шайхнинг муридлари яшайдиган ва пир-муршидлар тарбияланадиган жой» – деб таъриф беради ўзининг «Тасаввуф сабоқлар» асарида.

ХУЛОСА

Хонақох қалб қувватини, хиссий билиш кучини оширишга йўналтирилган, тизимий асосларда фаолият юритувчи таълим муассасаси хамдир. Шунингдек, обрў-эътиборли шахслар, уламолар томонидан қабристонлар, азалдан муқаддас жойлар ѓамда зиёратгохларга яқин жойларда барпо этиладиган диний-маърифий, меъморий мажмуа хамдир. Хонақохларда яшаш маърифат ва тарбия олиш, пир билан бирга тарғибот ишлари билан шуғулланиш имкониятларини яратади.

Агар XV аср охирига қадар хонақоҳни қуриш ишлари асосан мадраса қошида амалга ошириб келинган бўлса, кейинчалик унинг ижтимоий-диний йўналиши ўзгарган. Таниқли олим Рахматуллоҳ Қори Обидов фикрига кўра XVI асрдан эътиборан меҳроби бор диний марказларнинг хаммасини, яъни масжид, зиёратгох қабристоннинг бирон-бир хужрасини хонақох деб аташ расм бўлган.

Хонақох сўзи форсча этимологияга эга бўлиб, «яшаш жойи» деб таржима қилинади. Аммо масалага тарихий назар қилинса хонақох сўзи «хониш» - куйлаш, зикр қилиш, ифодали айтиш хамда «гох» - жой, маскан, муассаса маъноларида хам намоён бўлади.

Хуллас, миллий маънавиятимизнинг мухим марказлардан бўлиб, халқимиз тарихида чуқур из қолдирган хонақох қуйидаги ижтимоий мохиятни касб этиб келган:

1. Хонақохлар маънавият тарқатувчи ижтимоий институт хисобланган.
2. Хонақохлар маърифий муассаса хисобланган ва мадрасалар қошида ташкил этилган.
3. Хонақохлар исломий мазхаблар тахлили, диний талқинлар муҳокамаси учун махсус қурилган демократик бахслар маскани хам ҳисобланган.
4. Хонақохлар тасаввуф ақидаси тарафдорлари учун муҳим ижод этиш мумкин бўлган бошпана вазифасини бажарган.
5. Хонақохларда кутубхоналар мавжуд бўлган ва илмий, диний ижодиёт учун моддий ва маънавий шарт-шароитлар хозирланган.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00994

6. Хонақохларда шайхларда билан бир пайтда мударрислар хам машғулотлар ўтказганлар.

7. Хонақохларда диний таълимотлар билан бирга дунёвий ижодиётга, хусусан, шеърият, тарих, коллиграфия жанрларида изланишлар қилиш учун хам имкониятлар берилган.

REFERENCES

1. Шарофиддин Али Яздий. Зафарнома, Т., 1992, Зайниддин Восифий Бадоеъул-воқое. Т., 1997, А.Абдурашидов А ва бошқалар З.М.Бобур. Бобурнома Т., 2002.А.Навоий. Вақфия. Т., 1966 й, А. Навоий. Можалисун – нафоис. Т., 1970 й. Хондамир. Макоримул- ахлоқ. Т., 1967
2. Г.А.Пугаченкова, Л.И.Ремпель. История искусств Узбекистана. М., 1965 й. 171- бет.
3. Взгляды Алишера Навои на этнокультурные.Межэтнические взаимоотношения – гарантия развития евразийских ид Международная научно-практическая конференция. Южно-Казахстанский Государственный Университет им. М. Ауезова. Том 1. Шымкент 2007. –Б. 171-174.
4. Жаҳонгиров Бурхон Бўронович. Ўзбекистоннинг Япония билан илмий - техникавий алоқалари. Academic Research in Educational Sciences, 2021. 2 (Special Issue 1), 312-318.
5. Н.М.Лукинская. Хўжа Зайниддин хонокохи. Т., 1976 1-бет
6. Алишер Навоий асарларида жамоалараромуносабатларнинг социологик талқини. Ижтимоий фикр – инсон хуқуқлари.№ 2. Тошкент.2007. –Б.150-154.
7. Пугаченкова Г.А., Л.И.Ремпель. История искусств Узбекистана. М., 1965 й. 171- бет.
8. В.А.Булатова. Бараҳхон мадрасаси. Т., 1977 3-бет.
9. П.Ш.Зохидов. Хазрати – Хизр масжиди. Т., 1970 йил 1-бет.
10. Жаҳонгиров Бурхон Бўронович. Ўзбекистоннинг Европа мамлакатлари билан илмий-техникавий алоқалари. Ўтмишга назар журнали. 2021. 2 сон, 4 жилд. –Б.16-21
11. Ўролов А., Хожихонов М. Темурийлар маънавияти ва маданияти. Самарқанд, Сўғдиёна. 1996. 42-бет
12. Ибратлик дўстлик тавсифи. Жамият ва бошқарув. № 3. Тошкент 2006.–Б. 81-82.
13. Зайниддин Восифий. Бадоеъул – вақое. Фан 1997. 17 – бет

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00994

14. Жисмоний маданиятда маънавий-иродавий тарбиянинг ўрни. Фан-спортга. 1 сон, 2017
15. А.Навоий. Вақфия // Асарлар, 15 томлик 13-том, Т., 1966 172 -бет
16. Жаҳонгиров Бурхон Бўронович.Ўзбекистонннинг хорижий мамлакатлар билан илм-фан соҳасидаги ҳамкорлик алоқалари. Academic research in educational contents. 2021.Volume 2, Issue 2, 986-994.
17. Хондамир. Макоримул – ахлоқ. Т., 1967 й. 67 бет
18. А.Хисматулин «Суфизм. Этапы равития суфизма» 95 стр.
19. Марказий Осиё мутафаккирларининг жисмоний ва маънавий тарбияга муносабатлари. Жисмоний тарби ва спорт машғулотлари назарияси ва услубиятининг замонавий муаммолари. ЎзДЖТИ. //Халқаро илмий-амалий анжуман. II қисм. Т.: ITA-PRESS, 2015.–Б. 446-448.